

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳих: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Аманов, С.И.Сиражиддинов
Тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун
нолокал масала.....6

А.Оқбоев, Н.Муталлиев
Иккинчи тур бузиладиган гиперболик типдаги тенглама учун
силжишли масала.....14

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ғ.Юлдашев, В.Исақов, У.Мирзаев, Х.Шокирова
Гидроморф тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида
эволюцияси.....20

КИМЁ

И.Асқаров, Ҳ.Исаков, О.Абдуллоев, Ш.Тураҳонов
Анор пўстлоғи таркибидан галл кислотасини олиш усуллари.....25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

Лианг Юн, Н.Камбаров
Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари.....30

Ф.Шамукарамова
Катта Фарғона каналининг қурилишида археологик назоратнинг аҳамияти.....43

У.Абдуллаев
Фарғона водийси халқларида анъанавий дафн ва таъзия
маросимлари.....51

Т.Турсунмуратов
Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан таълим соҳасида ҳамкорлигининг
айрим хусусиятлари.....56

А.Алохунов
“Хўжа”лар тоифасининг келиб чиқиш тарихидан.....61

Р.Атаханов
Фарғона водийси қорақалпоқлари замонавий кийимларидаги анъанавий
жиҳатлар.....66

Д.Исмоилова, Н.Бердиев
Туркистонда суд тизими тарихидан.....72

Р.Акбаров
Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотининг жангчиларни
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли.....78

Д.Элова
Бухоро ҳаво флотини ташкил этиш тадбирлари ва самолётлар кириб
келиши тарихидан.....85

Э.Ғуломов
Ўзбекистон Республикасида 1994 йилги Олий Мажлис сайловига тайёргарлик.....89

ТАРИХ

УДК 347: 323 (575.1)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 1994 ЙИЛГИ ОЛИЙ МАЖЛИС САЙЛОВИГА
ТАЙЁРГАРЛИКПОДГОТОВКА К ВЫБОРАМ В ОЛИЙ МАЖЛИС РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН 1994
ГОДАPREPARATIONS FOR THE 1994 ELECTIONS TO THE OLIY MAJLIS OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTANҒуломов Элмуроджон Эркинжон ўғли¹¹Ғуломов Элмуроджон Эркинжон ўғли– Фарғона давлат университети 1-босқич
таянч докторанти.**Аннотация**

Мақолада 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайлов жараёнига тайёргарлик, Марказий сайлов комиссияси фаолияти, ҳудудларда сайловни ўтказувчи сайлов округларининг тузилиши хусусида сўз юритилган.

Аннотация

В статье рассматривается подготовка к выборам в Олий Мажлис Республики Узбекистан 1994 года, деятельность Центральной избирательной комиссии, формирование округов в регионах.

Annotation

This article deals with the preparations for the 1994 elections to the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, the activities of the Central Election Commission, the formation of constituencies in the regions.

Таянч сўз ва иборалар: сайлов, Олий Мажлис, Марказий сайлов комиссияси, Олий Кенгаш, сессия, сайлов округи, қонун, депутат, номзод.

Ключевые слова и выражения: выборы, Олий Мажлис, Центральная избирательная комиссия, Олий Кенгаш, сессия, округ, депутат, кандидат.

Keywords and expressions: election, Oliy Majlis, Central Election Commission, Supreme Council, session, constituency, law, deputy, candidate.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қатори ўзининг мустақил парламентиغا эга бўлиши масаласи куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исом Абдуғаниевич Каримов дастлаб 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Бинобарин, Биринчи Президентимизнинг: “Олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда сизларга – халқ ноиблари, миллат вакилларига суюнаман. Сизлар билан бирга бўлиш халқ билан бирга бўлишдир. Халқ билан бирга бўлиш эса унинг ҳаёти, унинг турмуши, унинг дарди билан бирга бўлишдир”, деб таъкидлаб ўтган нутқидаёқ демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги илк ислохотлар миллий парламентимизни ташкил қилишдан

бошланган, десак асло муболаға бўлмайдими [5,1].

Миллий парламентимизни ташкил қилиш йўлида дастлаб Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн олтинчи сессияси 1994 йил 22 сентябрда ўз ишини бошлади. Олий Кенгашнинг кун тартибида қуйидаги икки масала: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси ҳамда Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тайинлаш тўғрисида кўриб чиқиб, маъқулланган эди [5,2].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси 1994 йил

5 октябрда матбуотда эълон қилинган. Қонун дойиҳасини тайёрлашда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1948 йилда қабул қилган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича

бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, АҚШ, Россия Федерацияси, Туркия, Ҳиндистон, Австралия, Покистон, Малайзия, Индонезия, Япония, Украина, Швеция, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатларнинг шу ҳақдаги ҳужжатларидан ижодий фойдаланилган [3,1].

1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси [1,1], “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 7 ва 19-моддалари, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови 1994 йил 25 декабрда санасида ўтказилиши белгиланди [5,3].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи битта сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар сони ўртача 44,1 минг сайловчи ҳисобидан белгиланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига аввало маъмурий-ҳудудий бўлинишни назарда тутган ҳолда сайлов округларини муайян миқдордаги сайловчилардан иборат таркибда тузиш кераклиги, Олий Мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари

сайловини ўтказувчи умумий сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ ташкил этиш белгиланган эди [5.4].

1994 йил 29 сентябрда Биринчи қаҳриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ.А.Аҳмедов олиб бориб, мажлис ишида Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг асосий тадбирлари календарь режасини тасдиқлади. Сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ 250 та сайлов округи таркибда 7192 та сайлов участкалари тузилди (1-жадвал). Комиссия сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари сметасини, шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврига мўлжалланган Марказий сайлов комиссияси аппаратининг тузилишини ва штатини кўриб чиқди [4,1].

Сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ, сиёсий партияларнинг сайловда иштирокини қўллаб-қувватлайдиган имзолар варақасининг намунаси, Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг, Олий Мажлис депутатлигига номзод ишончли вакилининг Олий Мажлис депутатлигига сайланганликнинг гувоҳномалари намуналари, шунингдек сайлов ҳужжатларининг шакллари тасдиқланди.

1-жадвал

№	Худуд номи	Сайлов округлари сони	Сайловчилар сони (минг киши)
1	Тошкент шаҳри	30	1258,2
2	Андижон вилояти	22	975,9
3	Бухоро вилояти	14	653,8
4	Жиззах вилояти	9	397,8
5	Навоий вилояти	9	363,3
6	Наманган вилояти	19	846,1
7	Самарқанд вилояти	25	1152,6
8	Сирдарё вилояти	7	304,8
9	Сурхондарё вилояти	15	659,6
10	Тошкент вилояти	27	1149,7
11	Фарғона вилояти	28	1244,5
12	Хоразм вилояти	12	549,6
13	Қашқадарё вилояти	19	820,5
14	Қорақалпоғистон Республикаси	14	649,6
Жами:		250	11026,0

Олий Мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловига тайёргарлик ишлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қизгин давом этган. Бинобарин, 1994 йил 26 сентябрда Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн еттинчи сессияси бўлиб, унда “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида”ги Конституциявий Низом қабул қилинди. Биринчи чақириқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов 1994 йил 25 декабрь санасига белгиланди [5.5].

1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар жараёнига икки партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда, Ватан тараққиёти партиялари ўз номзодларини кўрсатган эди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1994 йил 13 октябрдаги, “Ватан тараққиёти” партиясининг 1994 йилнинг 17 октябрдаги Олий Мажлис сайловида қатнашишни сўраб тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, ҳар икки партиянинг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ Олий Мажлис сайловида қатнашишларига рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Бу даврга келиб Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 374 минг, “Ватан тараққиёти” партиясининг эса 35 минг аъзоси рўйхатга олинган.

Марказий сайлов комиссияси 1994 йил 7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда “Ватан тараққиёти” партиясининг навбатдан ташқари II қурултойлари ҳужжатлари қабул қилинди. ХДП ва “Ватан тараққиёти” партиядан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлар орасида ушбу партиялар аъзолари билан бир қаторда партиясиз бўлган номзодларнинг борлиги ҳам мамлакатимизда илк кўппартиявийлик

асосида ўтказилган сайловларнинг халқаро стандартларга мос ҳамда демократик тамойилларга асосланган ҳолда ўтказилганлигини кўрсатиб беради. Марказий сайлов комиссияси ХДП ва “Ватан тараққиёти” партияси томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, бу борадаги барча тадбирлар қонун доирасида ўтказилгани ва расмийлаштирилганлигини эътироф этган ҳолда ўз хулосасини берди. Кўрсатилган номзодлар орасида ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, муҳандислар, ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат ходимлари ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан турли миллат вакилларининг киритилганлиги эса янги ташкил қилинаётган парламентни мамлакатимизнинг барча соҳаларига кириб бориши, республика аҳолисининг манфаатларини ақс эттирганлиги яққол мисоли сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистондаги кўппартиявийлик асосида ўтказилган илк парламент сайловларида икки партия: Ўзбекистон халқ демократик партияси ҳамда “Ватан тараққиёти” партияларида ҳам сайловолди тайёргарлик ишлари қизгин тус олган. Чунончи, 1994 йил 1 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлди. Қурултой ишида партиянинг жойлардаги ташкилотлардан сайланган 280 делегат ҳамда меҳмонлар қатнашди.

Қурултойда ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Жалолов партия ташкил топганига 3 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг қурултой қатнашчиларига, шунингдек, партиянинг барча аъзоларига билдирган самимий тилақларини етказди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўладиган сайловлар тўғрисидаги масала ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди. Юқоридаги масалалар юзасидан партия

кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Йиғилишда мамлакатимизда ўтажак сайловларга хорижий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан катта қизиқиш билдирган. Жаҳонда Ўзбекистон танлаган ўзига хос тараққиёт йўли, унинг истиқлол куч бахш этган дадил одимлари ривожланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасидаги муваффақиятли саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ фуқароларимиз борлиги хусусида алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Аммо, шунинг баробарида қилаётган ишларимиз, ислохотларимиз самарали, сиёсий тузумимизни ноҳолис баҳолаб, четдан тош отаётган муҳолифлар ҳам йўқ эмаслиги ҳам айтиб ўтилган эди. Бўлажак сайловларнинг муваффақияти – минтақамизда осойишталикни таъминлашга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, шарқ ва ғарб мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса ҳокимликлар ва бошқарув органлари, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, қолаверса, ҳар бир сайловчи зиммасига ката масъулият юклайди, деган мазмундаги масалалар муҳокама этилган эди.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди сиёсий дастурини қабул қилдилар. Республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Қурултойда партия низомига қўшимча ва ўзгартиш киритилди.

Қурултойда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг аъзоси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Бахтиёр

Ҳамидов ва Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этдилар.

1994 йил 31 октябрда Тошкентдаги Киночилар уйида “Ватан тараққиёти” партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлиб ўтди. Унинг ишида партиянинг туман, шаҳар, вилоят ташкилотларидан сайланган 300 нафар делегат ва меҳмон қатнашди. Қурултойда “Ватан тараққиёти” партияси раиси вазифасини бажарувчи Анвар Йўлдошев партия раиси этиб тасдиқланди. Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов ҳамда бошқа ташкилий масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, “Ватан тараққиёти” парламент типидagi партия бўлиб, жамиятда ижтимоий барқарорликнинг сақланишига, ислохотларнинг муваффақиятли ўтказилишига кўмаклашиш, буюк давлат барпо этиш йўлида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Сўнг партиянинг долзарб вазифалари ва сайловолди дастури тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Партия раиси Анвар Йўлдошев шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар Ўзбекистоннинг табиий ва илм-зиё салоҳиятидан оқилона фойдаланиб, ишбилармон, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатларини ҳукумат режаларига мувофиқлаштириб, шу йўл билан мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда эркин бозор муносабатлари асосида Ўзбекистонни дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш учун курашиш партиянинг олий мақсади эканини таъкидладилар.

Қурултойда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20 ва 22-моддаларига мувофиқ шу йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Улар орасида ўз меҳнати ва моҳир ташкилотчилиги билан элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган кишилар – тадбиркорлар, ишчи ва

ТАРИХ

хизматчилар, фермерлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, зиёлилар, маҳалла кўмитаси фаоллари, байналмилалчи жангчилар бор эди. Кўрсатилган номзодларнинг барчаси қурултой делегатлари томонидан тасдиқланди.

Қурултойда партия низомига ўзгартишлар киритилди. Партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Жўраев иштирок этди.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган дастлабки сайловларда ҳукумат томонидан сиёсий партияларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда сиёсий партияларнинг эркин фаолият кўрсатишлари, улар сиёсий фаолиятининг доимий равишда оммавий-ахборот воситаларида ёритиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Мамлакатимизда 1994 йил 25 декабрда ўтказилган кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтказилган демократик сайловлар мамлакатимизни модернизация қилиш, собиқ Совет ҳукумати давридаги

маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, ривожланган давлатлар илғор тажрибаларидан ижодий фойдаланиш масалаларига дастлабки қўйилган қадамлардан бири бўлган, десак асло муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказилган сайловга тайёргарлик жараёнларини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ташкил этилиши республика аҳолиси томонидан ижобий қабул қилинди.

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти йўлга қўйилди.

- Давлат ва жамият қурилиши масалаларини тизимли равишда ҳал этиш механизмлари яратилди;

- Мамлакатда сиёсий партияларнинг эркин ва дахлсиз фаолият олиб боришига кенг имкониятлар яратиб берилди;

- Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари ўрганиб чиқилиб, мамлакатимиз манфаатларига мос келадиган ҳужжатлар ратификация қилинди;

- Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти бўйича ҳуқуқий асослар яратилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Саидов А.Х. Международное право и избирательное законодательство - Т.: ТГЮИ, 2004.
3. Декларация о принципах свободных и справедливых выборов//В кн.: Саидов А.Х. Межпарламентские организации мира: Справочник, - М.: Международные отношения, 2004.
4. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси, -Тошкент, 2003.
5. "Халқ сўзи" газетасининг 1994 йилги сонлари.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)